

*Бегматова Нодира Хакимовна*  
*Қарши давлат университети*  
*“Алгоритмлар ва дастурлаш технологиялари” кафедраси*  
*доценти,*  
*Педагогика фанлари номзоди,*

## **МУЛЬТИМЕДИА-ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯСИНИНГ ЙЎНАЛИШИ**

Аннотация: Мақолада таълимда инновацион технология сифатида мультимедиа технологиясидан фойдаланишдаги муаммолар баён этилган бўлиб, бу вазифалар ечими таълим тизимида инновацион ёндашиш ва шу асосда таълим-тарбия самарадорлигини ошириш имкониятини беради.

Таянч сўз ва тушунчалар: таълим, таълим самарадорлиги, инновация, мультимедиа технологияси.

*Begmatova Nodira Khakimovna*  
*Karshi State University*  
*Associate Professor of the Department of "Algorithms and Programming*  
*Technologies",*  
*Candidate of Pedagogical Sciences,*

## **DIRECTION OF MULTIMEDIA-MODERN INFORMATION TECHNOLOGY**

**Abstract:** The article describes the problems of using multimedia technology as an innovative technology in education, and the solution of these tasks provides an opportunity for an innovative approach to the educational system and, on this basis, to increase the effectiveness of education.

**Key word:** education, educational efficiency, innovation, multimedia technology.

XXI аср-ақл ва заковат, фан ва техника асри, ахборот технологиялари, жумладан, мультимедиа технологияси инсон фаолиятининг барча жиҳатларини жадаллик билан қамраб олмақда. Таълим жараёнини ахборотлаштириш, замонавий ахборот технологиялари имкониятларидан, жумладан, инновацион технологиялар тизимларини яратиш ва ундан таълим жараёнида унумли фойдаланиш, компьютер технологияларининг таълим жараёнидаги татбиғини назарий ҳамда амалий асосларини яратиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги Қонунининг 5-Таълим олиш ҳуқуқи моддасида “Таълим ташкилотларида инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш ва ўқув дастурларини инновацион технологияларни қўллаган ҳолда амалга ошириш”- таъкидланган.

Шунингдек, 36-модда - Таълим соҳасидаги экспериментал ва инновацион фаолият бандида: “Таълим соҳасидаги экспериментал ва инновацион фаолият таълимни модернизация қилиш мақсадида амалга оширилади ҳамда янги таълим технологиялари ва ресурсларини ишлаб чиқишга, уларни синовдан ўтказишга ҳамда таълим жараёнига жорий этишга қаратилган”<sup>1</sup>, - дейилган.


“Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури”ни амалиётга жорий этиш ўқув жараёнини технологиялаштириш билан узвий боғлиқдир. Юқорида баён қилинган далиллардан кўриниб турибдики, таълим тизимида ахборот технологияларини, жумладан,

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.09.2020 й., 03/20/637/1313-сон

инновацион технология сифатида мультимедиа технологиясини татбиқ этиш, бугунги куннинг долзарб масалалардан бири эканлигини кўрсатади

Маълумки, ахборот технологиясининг асосий компонентларига - матн, жадвал, графика, тасвир, аудио, видео компонентлар кирадилар. Амалий ишларда эса юқорида келтирилган компонентлардан фойдаланилади. Мультимедиа технологиясида юқоридаги компонентлардан ташқари, анимация, мусиқа ва турли безаклар иштирок этадилар, ҳамда улар мультимедиа технологиясини ахборот технологиясидан фарқлантирадилар. Шу сабабли гуркираб ривожланаётган мультимедиа технологиясини ахборот технологиясининг асосий йўналиши деб қарашимиз мумкин. Мультимедиа технологиясининг таълим соҳасидаги татбиғи компьютер технологияси асосида амалга оширилади. Жумладан, мультимедиали дидактик воситаларни яратиш ва уларни намойиш этиш компьютер ёрдамида бажарилади. Мультимедиа деганда ахборотларни турли шаклларда бирлаштирилган тасвирлашини тушуниш мумкин. Мультимедианинг шаклланиш тарихи, мазмуни ва технологияси илмий-услубий адабиётларда баён этилган. Мультимедиа технологияси кўп таърифли технологиялар сирасига киради. Қуйида шулардан бирини келтирамиз: Мультимедиа – товуш, видео, графика, матн, анимациялар ёрдамида инсоннинг компьютер билан мулоқотини таъминловчи дастурий ва аппарат воситалар мажмуаси ҳисобланади. Мультимедиа технологияси таълим-тарбия жараёнига татбиқ этилиши мумкин бўлган илғор ва янги технологиядир. Тўлақонли мультимедиа 1986 йилда яратилган бўлиб, у ўқувчи ёки тингловчига янада самаралироқ таъсир этишга қаратилган турли дастур ва техник воситаларни, ахборот технологияларини ифодалайди. Мультимедиа технологиясининг тавсифи 1-расмда келтирилган.



1-расм. Мультимедиа технологиясининг тавсифи

Таълимий технологиялар яратилишлари билан боғлиқ равишда уларнинг методологик асослари ҳам яратила бошланди. 1950-йилларда умумий ўрта мактаб ва олий ўқув юртларида ўқитишнинг техник воситалари (диаскоп, эпидиаскоп, кинопроектор ва хокозолар)дан таълим жараёнига фойдаланиш кенг йўлга қўйилган эди. Булар ўз вақтида таълимни самарадорлигини оширишга олиб келган.

1960-1970-йилларда таълимни сифатини ошириш мақсадида ўқитишнинг техник воситаларидан ташқари таълим жараёнига “дастурлаштирилган ўқитиш” кириб келди. Шу даврнинг охирларида Тошкент телемарказидан ўқувчилар ва талабалар учун маърузалар ўқиладиган бошланди. Бу ҳозирги масофавий таълим технологиясининг бошланиши эди. 1985-1990-йилларда компьютерлардан таълим жараёнига кенг фойдаланила бошланди. Натижада, компьютер технологиясига асос солинди. Шундан бошлаб, “таълим технология”си ёки “таълимий технология” деган атама юзага келди. Шу даврлардан бошлаб

ахборотларни йиғиш, танлаш, компьютерда ишлаб бериш, янги сифатли ахборот олиш, сақлаш ва узатиш амалга ошириш шаклланганидан бошлаб ахборот технологияси юзага келди. Бундан таълим соҳасига фойдаланиш эса таълимий ахборот технологияси деб юритилади. Ҳозирги даврда таълимий технологияларга: таълимий компьютер технологияси, таълимий ахборот технологияси, мультимедиа технологияси, масофавий таълим технологияси, таълимий ўйин технологияси ва бошқа технологиялар киради.

Таълим жараёнига фойдаланишга қаратилган инновацион технологияларидан бири мультимедиа технологияси ҳисобланади. Таълимий мультимедиа технологиясида ҳам технологик жараён маълум бир тартибда алгоритм асосида амалга оширилади.

Таълим жараёнига татбиқ этиладиган мультимедиа технологияси одатдаги анъанавий методларга нисбатан маълум бир афзалликларга эга. Жумладан,

- ✓ Таълим олувчиларда фикрлаш қобилиятини ўстиради;
- ✓ Ўқувчи бир вақтнинг ўзида ҳам кўради, ҳам эшитади (миянинг ўнг ва чап ярим шарлари бир вақтда фаоллик кўрсатади);
- ✓ Анъанавий усулларга нисбатан таълим олувчиларга ўргатиладиган материалнинг ҳажми ортади;
- ✓ Машғулот давомида таълим олувчиларни толиқтирмаслик учун дидактик материалларни анимациялар орқали узатиш имконияти мавжуд;
- ✓ Ўрганилаётган материалларни кичик қисмларга ажратган ҳолда намоёниш этиш ёки қайта намоёниш этиш мумкин.

Одатда, мультимедиа деганда турли шаклдаги маълумотларни қайта ишловчи воситалар мажмуаси тушунилади. Айни вақтда бу аввало товушлар, видеоэлементларни қайта ишловчи воситалардир. Шу билан бирга мультипликация (анимация) ва юқори сифатли графика ҳолларида

ҳам мультимедиа ҳақида гапириш мумкин. Мультимедиа принципларида қурилган электрон маълумотномалар (справочниклар), таржималар ва луғатлар тарих, география, тиббиёт, спорт ва бошқа соҳалар бўйича турли - туман энциклопедиялар таълим жараёнига кенг фойдаланилмоқда.

Инсонни ахборот қабул қилишининг умумий хусусияти турли: кўриш, эшитиш, ҳид билиш, сезиш каби сезги органларининг фаолият қилиш хусусиятлари билан аниқланади. Биз фақат замонавий компьютер ва телекоммунакацион техникасида ишлаш мобайнида таълим олувчиларга таъсир қиладиган ахборот кўринишлари устида гап юритамиз. Шундай қилиб, ҳар қандай ахборотни таълим олувчилар томонидан қабул қилиш усули бўйича учта асосий гуруҳга ажратиш мумкин:

- Овозли ахборот - одамнинг эшитиш органи орқали қабул қилинадиган ахборот.

- Кўриш ёки визуал ахборот – кўриш органи орқали олинадиган ахборот, шу жумладан матн, график тасвир-расмлар.

- Сенсорли ахборот – одам видеоролик, телеобъектлар ва бошқалар билан махсус техник воситаларда ишлаётган вақтда қисман сенсор тизимида қабул қилинадиган ахборот.

Юқорида санаб ўтилган ахборотларнинг барча кўринишларини бошқа мезонлар билан ҳам синфларга ажратиш мумкин. Масалан, ўқувчига келаётган барча ахборотларни ассоциатив (эсга туширилган) ва тўғри гуруҳларга ажратиш мумкин.



**2-расм. “Ахборотни қабул қилиш”га оид мультимедиали слайд.**

Слайдда мультимедианинг асосий компонентлари (ташқил этувчилари) мужассамлаштирилган.

Хулоса қилиб айтганда, узлуксиз таълим тизимида ахборот технологиясини асосий йўналиши бўлган мультимедиа технологиясидан фойдаланиб, таълим самарадорлигини ошириш давр талаби ҳисобланади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.09.2020 й., 03/20/637/1313-сон)
2. Абдуқодиров А.А., Бегматова Н.Х. Мактабгача таълим муассасаларида мультимедиа технологиясидан фойдаланиш услубиёти (ўқув-услубий қўлланма). – Қарши: Насаф, 2011. - 257 б.
3. Н.Бегматова. Мультимедиа технологиясининг ривожланиш тенденцияси. Монография. – Қарши: “Насаф” НМИУ, 2021. - 174 б.
4. Ғуломов С.С., Алимов Р.Х ва бошқалар. Ахборот тизимлари ва технологиялари. - Т.: Шарқ , 2000. – 591 б.